



2017 йил «20 март»

№ 287-У

**2017 йилда манзилли дастур
асосида қурилиши режалаштирилган
Савдо дукони ва омборхона биносини
қуриш учун ер майдони танлаб
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йил 31 мартдаги «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК билан келишилган келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 14 январдаги 48-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад шаҳри А.Темур маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудида яшовчи Бойқораев Алишер томонидан, Нурабад туманининг 2017 йил манзилли дастур асосида қурилиши режалаштирилган Нурабад шаҳри А.Темур маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0.0072 гектар ер майдонига Савдо дукони ва омборхона биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 04 мартдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад шаҳри А.Темур маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0.0072 гектар ер майдонига Савдо дукони ва омборхона биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2017 йил 04 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Бойқораев Алишерга куйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Бойқораев Алишер томонидан тасдиқланган қурилишни лойиҳа асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Бойқораев Алишер томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари М.Раимшукуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов